



Мамлакатимизда аҳоли ҳаёти фаровонлигини ошириш мақсадида туб ислохотлар амалга оширилмоқда. "Обод турмуш йили" Давлат дастурида ҳам халқимизнинг муносиб яшаш учун ижтимоий-маиший шароитларни яратиш, янги турар жойлар қуриш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилангани шу мақсадга хизмат қилмоқда.

ЭЗГУ МАҚСАДЛАРНИНГ ҲАЁТИЙ ИФОДАСИ

Давлатимиз раҳбари юрт ободлиги, авваламбор, халқимизнинг, шу заминда яшаётган ҳар бир инсоннинг пок ниятлари ва мақсадларидан, кўнгли ободлигидан бошланиши алоҳида таъкидлайди. Бугун мамлакатимизнинг қай бир гўшасига борманг, ана шу кўнгли ободлиги самаралари — улкан янгиланишлар, бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларига гувоҳ бўласиз. Бу — мамлакатимизнинг, халқимизнинг мустақиллик

йилларида эришган энг буюк ютуқларидандир. Бу ўзгаришларни қишлоқларимиз мисолида янада ёрқинроқ кўришимиз мумкин. Мамлакатимизда мустақилликнинг илк йилларидан қишлоқ инфратузилмасини ривожлантиришга, халқимиз фаровонлигини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Натижада минглаб қишлоқларимиз тоза ичимлик суви, табиий газ билан таъминланди. Қишлоқлар

да барпо этилаётган замонавий мактаблар, касбхунар коллежлари, маиший хизмат, сервис ва савдо марказлари уларнинг кўркіга кўрк қўшмоқда. Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, болалар спортини ривожлантиришга қаратилган изчил ислохотлар натижасида ўтган йиллар давомида кўплаб қишлоқ врачлик пунктлари, спорт иншоотлари бунёд этил-

ди. Қишлоққа саноатни, хизмат ва сервис шохбачаларини олиб кириш, замонавий техника ҳамда технологиялар билан жиҳозланган ихчам қайта ишлаш корхоналарини барпо этиш ва шу ҳисобдан қишлоқ аҳолиси, авваламбор, ёшларни иш билан таъминлаш, одамларнинг даромади ва фаровонлигини ошириш борасидаги ишлар ўзининг юқсак самараларини бераётир.

(Давоми иккинчи бетда)

Миллатлараро Тотувлик — ЭНГ катта бойлигимиз

Президентимиз Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи катта қизиқиш билан ўрганилмоқда.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида халқ фаровонлигини ошириш, жамиятимизда ижтимоий барқарорлик, тинчлик ва тотувликни таъминлаш йўлида амалга оширилаётган изчил ишлар ўзининг юқсак самараларини бермоқда. Бундай барқарорлик муҳитининг қарор топишида юртимиздаги барча миллат вакил-

ларининг бир оила фарзандларидек аҳил-иноқ яшаётгани, бунинг учун мамлакатимизда барча зарур шарт-шароит таъминлангани ҳам муҳим омил бўлаётир. Фуқаролар, айниқса, турли миллатлар ўртасида ўзаро меҳр-оқибатни янада мустаҳкамлашга давлатимиз томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда.

(Давоми тўртинчи бетда)

Бухорода "Судлар фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш — суд ишлари тезкорлигини оширишнинг муҳим омил: хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибаси" мавзусида ҳаққаро илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон судлари фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш имконият ва истиқболлари

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳўжалик суди томонидан БМТ Тараққиёт дастури, Германия халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ) кўмагида ташкил этилди. Унда мамлакатимиз Олий суди ва Олий ҳўжалик суди, умумий юрисдикция судлари судьялари, ҳуқуқшунос олимлар, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат кўмитаси вакиллари, Малайзия, Жанубий Корея, АҚШ, ГФР, Эстониядан экспертлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Б.Мустафоев ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини қуриш борасида ўз йўлини танлаган мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ҳамда манфаатлари ички ва ташқи сиёсатнинг устувор йўналиши сифатида белгиланганини таъкидлади. Судлар инсон ҳуқуқ ва эркинлигини ҳимоя қилиш тизимида муҳим ўрин тутмоқда.

(Давоми иккинчи бетда)

Мамлакатимизда аҳолининг малакали тиббий хизматдан фойдаланишига доир конституциявий ҳуқуқини таъминлаш, шунингдек, тиббий хизматларнинг сифатини ошириш учун тизимли равишда ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Yangi qonun mohiyati

Соғлом турмуш тарзи

бу борадаги ҳуқуқий асослар янада такомиллаштирилди

Хусусан, 1996 йилда фуқароларнинг соғлигини сақлашга доир ҳуқуқлари давлат томонидан кафолатланишини таъминлаш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмаларининг фуқаролар соғлигини сақлаш соҳасидаги фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш мақсадида "Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида"ги қонун қабул қилинди. 1998 йил

республикамизда соғлиқни сақлаш тизимида оид Давлат дастурининг қабул қилиниши эса, бу борада ўта муҳим қадам бўлди. Бунда, айниқса, юқумли ва вирусли касалликларнинг олдини олиш, аҳоли одамнинг иммунитет танқислиги вируси (ОИВ) чакирадиган ОИТСдан ишончли химоя қилиш бўйича санитария-эпидемиология тизимини тубдан яхшилашга алоҳида эътибор қаратилди.

(Давоми учинчи бетда)

Qonun ijodkorligi

Суд кадрларини танлашнинг самарали тизими

Мамлакатимизда суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлашга қаратилган кенг кўламли ислохотлар изчиллик билан амалга оширилиб келинмоқда. Айниқса, мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ суд кадрларини танлаш ва тайинлашнинг самарали ҳамда демократик ҳуқуқий механизмини яратишга алоҳида эътибор қаратилди. Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича Олий малака комиссияси ташкил этилди.

Бундан кўзланган асосий мақсад — соҳага ёш кадрларни кенг жалб этиш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муносиб ҳимоя қилиш, судьялар захирасини шакллантириш ҳамда сиёсий-ҳуқуқий билимларини бойитишдан иборатдир. Президентимизнинг 2012 йил 30 ноябрдаги "Судлар фаолиятини янада такомиллаштиришнинг ташкилий

чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ва 2012 йил 29 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармойиши ушбу йўналишда навбатдаги муҳим қадам бўлди. Таъкидлаш жоизки, Президенти

дентимизнинг ушбу Фармони билан судьялик лавозимига номзодларга, суд кадрлари захирасини шакллантиришга, уларнинг ҳуқуқий билим даражасини оширишга нисбатан талаблар янада кучайтирилди. Фармойишда судьялик лавозимларига номзодларни танлаш, тайёрлаш тизимининг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чораларни кўриш, суд ҳокимиятининг том маънодаги мустақиллигини таъминлаш, Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича Олий малака комиссияси фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича муҳим чора-тадбирлар белгилаб берилди.

(Давоми учинчи бетда)

Халқимиз асрлар давомида бағрикенглик, инсонийлик, кечиримлик сингари улут фазилатлари билан ўзлигини намоён этиб келмоқда. Шу боисдан ҳам адашганга тўғри йўл кўрсатиш, йиқилганни суяш каби фазилатлар халқимиз табиатидан чуқур жой олган миллий қадриятлар ҳисобланади.

Insonparvarlik tamoyillari

Бағрикенглик — халқимизга хос фазилат

Истиқлол йилларида суд-ҳуқуқ тизимида жорий этилган ярашув институти тезда оммалашганини ҳам, энг аввало, унинг миллий

қадриятларимизга ҳам-оҳанг эканлиги билан изоҳлаш мумкин. (Давоми учинчи бетда)


Qonun ko'magi

Жамият барқарорлиги кафолати

бунда тадбиркорлик ривожини муҳим ўрин тутмоқда

Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга давлатимиз томонидан алоҳида эътибор берилмоқда.

(Давоми иккинчи бетда)



Ўзбекистон судлари фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш имконият ва истиқболлари

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Истиқлол йилларида суд-хуқуқ соҳасини изчил демократлаштириш ва эркинлаштириш, суд ҳокимияти мустақиллигини мустаҳкамлаш, фуқаролар ҳуқуқ ҳамда эркинлигини ҳимоя қилиш тизими самарадорлигини ошириш бўйича улкан ишлар амалга оширилмоқда. Халқаро нормаларга мос соҳа қонунчилиги шакллантирилиб, мунтазам тақомиллаштирилмоқда. Чунинчи, судлар жиноят, фуқаролик ва ҳўжалик ишлари бўйича ихтисослаштирилди, суд ишларини кўриб чиқишнинг апелляция ва кассация институти, ярашув институти жорий қилинди. 2008 йилнинг январидан Ўзбекистонда ўлим жазосининг бекор қилингани, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилгани суд-хуқуқ тизимини янада эркинлаштириш, инсон ҳуқуқларини ишончли таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар ва уларнинг самаралари таъминлашда ишончли асос бўлиб хизмат қилмоқда, — деди Эстония судларини бошқариш кенгаши аъзоси Мелис Ээрк. — Ўзбекистонда судлар фаолиятини янада тақомиллаштириш бўйича судья кадрларини танлаш тизимини қайта кўриб чиқиш ва яхшилаш, уларнинг малакасини ошириш, судьялар ҳамда суд аппарати ходимларини таъбиёрлаш ва қайта тайёрлашга қаратилган зарур тақдирлар чора-тадбирлар кўрилатири.

Жисмоний ва юридик шахслар ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида судларга мурожаат қилаётгани ҳам суд-хуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлиги ошаётганидан далолат беради. Бу жараёнда замон талабларига мос суд-хуқуқ амалиётида янги ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни кенгайтириш муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, ҳужжат айланишини электрон шаклга ўтказиш суд ишларини кўриб чиқиш ва улар юзасидан қарорлар чиқариш хараёнини тезлаштириш, шунингдек, қоғоз сарфини камайитириш имконини беради.

Халқаро экспертлар ушбу жиҳатга алоҳида эътибор қаратиб, Ўзбекистонда ишлаб чиқилган давлат бошқаруви ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, "электрон ҳуқуқ" ва электрон ҳужжат айланиши тизимларини ривожлантиришга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий базага юксак баҳо бериди. Шу муносабат билан ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар судларни тўлиқ ахборотлаштириш учун зарур шарт яратётгани ва бу, ўз навбатида, мамлакатимизда электрон судловни татбиқ этишни жадаллаштириш имконини бераётгани таъкидланди.

Қайд этиш жоизки, ушбу йўналишда муайян ишлар бажарилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 2 августда қабул қилинган "Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармониға мўвофиқ судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва зифалари белгиланган бўлиб, бу уларнинг иш самарадорлигини ошириш, одил судловнинг барча учун очик-ошкоралик принципини ҳаётга тўла татбиқ этишга хизмат қилаёттир. Шунингдек, Ўзбекистон

Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирларига оид қарориди суд ходимларини компьютер ва офис техникаси билан тўлиқ таъминлаш, судларнинг локал тармоғини бирлаштирадиган корпоратив тармоқни ташкил қилиш, судлар фаолияти ҳақида ахборот тўплаш, унга ишлов бериш, тизимлаштириш ҳамда сақлаш бўйича "Суд фаолияти" ва "Суд ҳужжатлари" тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш кўзда тутилган. Судга электрон шаклда мурожаат қилиш имконини берадиган веб-ресурсларни модернизация қилиш режалаштирилмоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди фаолияти эътиборга лойиқдир. Унинг расмий сайтыда ҳужжатларни қабул қилиш, суд ишлари иштирокчиларини хабардор қилиш ва уларга электрон шаклда суд ҳужжатларини юбориш имконини берадиган "Электрон қабулхона" очилган.

Халқаро илмий-амалий семинар иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан БМТ Тараққиёт дастурининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда амалга оширилаётган "Фуқаролик судлов ишини ислоҳ қилиш: самарали судлов маъмуричилиги" лойиҳаси самаралари билан танишиди. Жумладан, семинар арафасида улар Тошкент вилоятининг фуқаролик ишлари бўйича Зангиота туманлараро судига ташриф буюриб, мамлакатимиздаги илк "E-SUD" электрон судлов тизими тақдиротида қатнашди. Ушбу тизим аҳоли, адвокатлар ва суд органлари ходимлари учун катта қулайликлар яратади.

"E-SUD" электрон судлов тизими судлар фаолияти ҳақида ахборот тўплаш, унга ишлов бериш, тизимлаштириш, сақлаш, даъво аризалари, илтимоснома ва бошқа ҳужжатларни электрон шаклда қабул қилиш ва жўнатиш, фуқаролик ишлари жараёнини шахсан судга бормасдан ахборот тизими орқали кузатиш, суд иши иштирокчиларига турли хатлар юбориш, корпоратив электрон почтага эга бўлиш, электрон рақамли имзони қўллаган ҳолда электрон ҳужжат айланишидан фойдаланиш имконини беради. Шу билан бирга, мазкур тизим судьялар ва суд ходимларига фуқаролик суди фаолияти тўғрисида статистика ва бошқа ҳисоботлар тузишни автоматлаштиришда ёрдам беради.

"E-SUD" электрон судлов тизими қулайлиги ва ишончилиги билан эътиборга молик, — деди Корея Республикаси Олий судининг Суд ахборот технологиялари бюроси бошлиғи Ко Бом Сок. — Менимча, бу тизим суд ходимлари, адвокатлар ва фуқаролар учун ҳам жуда фойдали бўлади. Ўз мамлакатимиз таърибидан келиб чиқиб шунини айтишим мумкинки, ҳар йили даъво аризаларининг қирқ фоизи айнан электрон суд тизими орқали келиб тушмоқда. Яқин келажакда ушбу тизим Ўзбекистоннинг ҳам барча суд босқичларида ишга туширилишига ишонаман.

Экспертларнинг фикрича, одил судловнинг очик-ошкоралиги ва ундан фойдаланиш имкониятини таъминлаш электрон судлов тизимини жорий қилишнинг асосий самарасидир. Бу принципларни ҳаётга татбиқ этиш суд ахборотидан фойдаланиш ҳуқуқини таъминлаш билан чамбарчас боғлиқ

дир. Бу борадаги жамоатчилик фикри, шубҳасиз, судлар иши самарадорлигини, суд тизими ходимлари масъулиятини оширади, суд ҳокимияти нуфузининг юксалишига хизмат қилади.

Суд жараёнларини бошқариш бўйича ишончли электрон тизимларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш самарали, замонавий ҳамда ҳисоб берувчи суд тизимини шакллантиришда муҳим технологик асос бўлиб хизмат қилади, — деди Массачусетс штати олий суди судьяси Роберт Корди (АҚШ). — Бу судьялар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари ва суд иши томонлари зиммасидаги юкни енгиллаштиришга ёрдам беради. Шунинг билан таъкидлашнинг истардимки, Ўзбекистонда суднинг барча босқичлари фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш учун зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

БМТ Тараққиёт дастури экспортларининг таъкидлашча, Ўзбекистонда судлар фаолиятига электрон судловни жорий этиш амалдаги қонунчиликнинг қатор процессуал нормаларини қайта кўриб чиқишни тақозо этади. Шу сабабли халқаро илмий-амалий семинар доирасида Ўзбекистон Республикаси Ҳўжалик процессуал кодексига киритилган, ҳўжалик судига электрон мурожаат ва ҳужжатларни ахборот тизими орқали юборишни кўзда тутадиган ўзгариш ва қўшимчалар тахлил этилди.

Юқори технологиялардан фойдаланишни кенгайтириш баробарида ҳуқуқий шарт-шароитларни тақомиллаштириш аҳолининг барча қатламлари учун ахборотдан тенг фойдаланиш имконияти таъминланган ахборот жамиятини шакллантириш, давлат тузилмаларининг ўзаро ва фуқаролар билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш имконини беради. Бу жараёнда фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситалари муҳим ўрин тутуши лозим. Зеро, уларнинг ўзаро ҳамкорлиги судлар фаолиятининг очиклиги ва сифатининг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади.

Ўзбекистонда суд-хуқуқ тизимидида ҳаётга татбиқ этилаётган ислохотлар билан таъминлаш имкониятига эга бўлганимиздан гоят мамнунимиз, — деди Малайзия Федерал суди раиси Тун Арифин бин Закария. — Ўзбекистонда қонун устуворлиги ва ижтимоий адолатни таъминлаш, фуқаролар ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Ўлим жазосининг бекор қилиниши, судларнинг ихтисослашуви, кассация институтининг ислоҳ этилиши, ишларни қайта кўриб чиқиш бўйича апелляция тартибларини жорий этилиши ва ушбу йўналишда амалга оширилаётган бошқа кўплаб изчил ишлар юксак эътиборга лойиқдир.

Семинар қатнашчилари судлар фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш бўйича миллий ва халқаро таърибани кенг муҳокама этиб, Ўзбекистонда суд ишини юритиш соҳасида ҳаётга татбиқ этилаётган ислохотлар нафақат судьялар ва суд аппарати ходимларининг иш самарадорлигини оширишга ёрдам бериши, балки энг муҳими — ишларни судда ошқора кўриб чиқиш принципини, ахборот очиклиги, одил судловдан фойдаланиш ва унинг ошқоралигини таъминлашга хизмат қилишнинг алоҳида таъкидлади. **Сардор ТОЖИЕВ,** *ЎЗА МУХБИРИ*

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

2013 йил - Обод турмуш йилида мамлакатимиз бўйича 353 қишлоқ массивида намунавий лойиҳалар асосида 10 мингта яқна тартибдаги янги уй-жойлар қуриш режалаштирилган бўлса, бу мақсадлар учун 1 триллион 400 миллиард сўм, яъни 2012 йилдаги нисбатан 54 фоиз кўп маблағ йўналтирилди.

Янги қурилаётган массивларда ичимлик суви, электр ва газ таъминоти, шунингдек, аҳоли пунктларининг санитария аҳолини яхшилаш бўйича янги коммунал инфратузилма тармоқлари ва объектларини қуриш ишлари тизимли асосда олиб борилмоқда.

Қишлоқ аҳолисини уй-жой билан таъминлаш бўйича яратилган қулайликлардан юртдошларимиз мамнун. Янги уй-жойга эга бўлишни истаган оилалар дастлаб қуриладиган уй нарҳининг 25 фоизни миқдоридидаги бошланғич бадал пулини тўлайди. Қолган сарф-харажатларнинг асосий қисми "Қишлоқ қурилиш банк" томонидан берилётган узоқ муддатли имтиёзли кредит ҳисобидан қoplanмоқда. Бу уйлар учун тўловларни бирдананига эмас, балки 15 йил давомида тўлаб бориш тартиби юртдошларимизга катта имтиёз ва енгилликлар бермоқда.

Бу юртимизда қисқа вақт ичида қишлоқ жойларда қурилиш ишларини олиб бориш учун узоқ истиқболга мўлжалланган, лойиҳалаштириш, қурилиш, муҳандислик-техник масалаларни қамраб олган замонавий салохиятга эга тизим яратилгани, қурилишни молиялаш манбалари ва маблағ ажратиш механизми пухта ишлаб чиқилгани натижасидир.

Кенг қўламадаги қурилиш ишлари, табиийки, қурилиш материалларига бўлган эҳтиёжни ҳам оширади. Бу жараёнда мамлакатимиз саноят ва қурилиш корхоналарида ишлаб чиқарилаётган қурилиш материаллари ва маҳсулотларидан кенг фойдаланилмоқда. "Ўзметкомбинат" акциядорлик бирлашмаси, "Ўзқурилишматериал-

E tirof

Эзгу мақсадларнинг ҳаётий ифодаси

лари" акциядорлик компанияси, "Ўзмонтажмахсусқурилиш" уюшмаси, "Қишлоқ қурилиш инвест" инжиниринг компанияси тасарруфидидаги корхоналарда ишлаб чиқарилаётган цемент, металлпрокат, гишт, иситиш жиҳозлари ва ойна сингари маҳаллий қурилиш материалларини имтиёзли нарҳларда етказиб берилмоқда.

Жойларда қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган янги корхоналар ишга тушаётгани бу борадаги эҳтиёжни таъминлашга хизмат қилаёттир. Юртимизнинг кўплаб ҳудудларида маҳаллий хомашёдан тайёрланаётган замонавий қурилиш материалларининг сифати хориж маҳсулотидан асло қолишмайди. Тадбиркорларимизга яратилаётган қулай шартот ва берилётган имтиёзлар бу борада рағбатлантирувчи омил бўлаёттир.

Ўзбекистоннинг қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қурилишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш ва уни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, қишлоқда уй-жой ва ижтимоий инфратузилма объектлари қурилишига сармояларни жалб қилиш борасида имтиёз ва преференциялар яратиш, қишлоқда замонавий уй-жойлар барпо этишининг қурилиш ва саноят корхоналарини жадал ривожлантириш, хизмат кўрсатиш соҳасини тараққиёт этириш, янги иш ўринлари ташкил қилиш ва аҳоли даромадларини оширишда аҳамияти борасидаги ноёб таърибаси хорижда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Қишлоқ аҳоли пунктларини замонавий лойиҳалар бўйича комплекс қуришга қаратилган дастурга муво-

фик, 2009-2012 йилларда Тошкент вилоятида намунавий лойиҳалар асосида 2 минг 355 уй-жой бунёд этилиб, фойдаланишга топширилди.

Қишлоқлар кўрмига кўрк қўшган ушбу турар-жойларга кўчиб ўтган аҳоли барча қулайликларга эга, шаҳар шароитидан қолишмайдиغان замонавий уйларда яшаётганидан мамнун.

Пискентлик Жамшид Аҳмедов "Келовчи" қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Гулистон маҳалласида намунавий лойиҳа асосида қурилган тўрт хонали уйда оиласи билан бахтли ҳаёт кечирмоқда.

Намунавий лойиҳа бўйича бунёд этилган уйларда биз, аёллар учун барча қулайликлар ҳисобга олинган, — дейди Жамшиднинг турмуш ўртоғи Дилноза Аҳмедова. — Ошхонадан меҳмонхона, айвон ва бошқа хоналарга ўтиш имконияти мавжуд. Бу асосий уй-рўзгор юмушларини ховлига чиқмасдан бажариш ва меҳмон кутишда катта қулайлик туғдиради.

Гулистон маҳалласида намунавий уй-жойларнинг бунёд этилиши билан бу ерда мўъжаз стадион, болалар майдончаси, мини-банк, промфилатика инспектори ва маҳалла посбонлари хоналарини ўз ичига олган гузар, тикувчилик цехи, озиқ-овқат дўконини ҳамда сартарошхона қад ростлади. Ички йўллар асфальтланди. Маҳалла ҳудуди ободонлаштирилиб, мевали ва манзарали дарахтлар экилди.

Маҳаллага кираверишда барпо этилган объектлар янги турар-жой массивида замонавий уйлар билан бирга йўллар, маданий-маиший иншоотлар қуриш борасида ҳам аниқ ҳисоб-китоб асосида иш юритилганини кўрса-

тиб турибди.

— Худудимизда янги инфратузилма объектларининг ишга туширилгани аҳолига катта қулайлик туғдиришда, — дейди "Гулистон" маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Марғуба Ҳайдарова. — Илгари фарзандларимиз футбол ўйнаш учун 7-8 километр наридаги стадионга борарди. Энди шаҳардагидан асло қолишмайдиغان футбол майдончаси ёнимизда, маҳалланин ўзида. Буларнинг барчаси Президентимиз раҳнамолиғида қишлоқлар қиёфасини тубдан ўзгартириш, уй-жой ва ижтимоий соҳа объектларини намунавий лойиҳалар асосида барпо этишга қаратилган улкан эътибор самарасидир.

Ўтган тўрт йилда Пискент туманида намунавий лойиҳалар асосида барпо этилган юзга яқин уй-жойнинг калити эгаларига топширилди, бир қанча инфратузилма объектлари ишга туширилди. Ҳадемай "Оқтепа" ва бошқа қишлоқ фуқаролар йиғинларига қарашли маҳаллаларда барпо этилаётган уй-жойлар қурилиши ҳам ниҳосига етади.

Мухтасар айтганда, "Обод турмуш йили" Давлат дастурининг самарали амалга оширилиши халқимизнинг ҳаётини янада яхшилаш, фаровон, тинч ва осуда турмуш кечириши, мамлакатимиз раванқини таъминлаш йўлидаги яна бир муҳим қадам бўлади. Буларнинг барчаси одамларнинг турмуш маданиятини юксалтириш мақсадида изчиллик билан амалга оширилаётган эзгу ишларнинг амалий ифодасидир. **Муаттархон РЎЗИБОЕВА**

Qonun ko'magi

Жамият барқарорлиги кафолати


бунда тадбиркорлик ривожини муҳим ўрин тутмоқда

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Зеро, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жамиятимиздаги ижтимоий-сиёсий барқарорликнинг кафолати ва таянчига, юртимиз тараққиёти йўлидаги фаол ҳаракатлантирувчи кучга айланиб бормоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга Навоий вилояти адлия бошқармаси томонидан ҳам алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Адлия бошқармаси томонидан Навоий шаҳрида фаолият юритаётган "INVEST NAVOIY PLYONKA" хусусий корхонаси таъсисчисининг чет элда ишлаб чиқарилган ускунанин божхона ҳужжатларини расмийлаштиришда қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёзлар қўлланилмагани юзасидан қилган мурожаати ўргини чиқилди.

Айтиш керакки, Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 20 мартда 2436-



сонли рақам билан рўйхатдан ўтказилган Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг 2013 йил 15 февралдаги биргаликдаги қарорига илова қилинган "Ўзбекистон Республикаси ҳудудида олиб киришда импорт божхона божи ва қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган технологик жиҳозлар

рўйхати"нинг 62-бандида кўрсатилган технологик жиҳозларга имтиёзлар қўлланилиши белгиланган бўлса-да, ушбу имтиёзлар қўлланилмагани натижасида корхона томонидан 7 234 000 сўм тўлов ортиқча тўлангани аниқланди.

Ушбу ҳолат юзасидан Навоий вилояти божхона бошқармаси томонидан "INVEST NAVOIY PLYONKA" хусусий корхонасидан ортиқча олинган 7 234 000 сўм миқдоридидаги маблағни қайтариш ва қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйган айбдор шахсларга нисбатан жавобгарлик масаласини кўриш юзасидан тақдимнома киритилди.

Киритилган тақдимнома натижасида божхона бошқармаси томонидан "INVEST NAVOIY PLYONKA" хусусий корхонасидан ортиқча олинган 7 234 000 сўм миқдоридидаги маблағ тўлиқ қайтарилиши таъминланди.

Мирмонил БОЗОРОВ, *Навоий вилоят адлия бошқармаси масъул ходими*

Мамлакатимиз иқтисодиётининг таянчи саналган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг изчил суръатларда ривожланиб бораётгани халқимизнинг турмуш фаровонлигини янада ошириш, янги иш ўринларини яратиш ҳамда истеъмол бозорини сифатли маҳсулотлар билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Айниқса, бу борадаги қонунчиликнинг тобора тақомиллаштирилиб борилаётгани тадбиркорлик соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишга ва уни янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Бироқ ҳаётда баъзан тадбиркорлик фаолияти қонуннинг аралашини сингари салбий ҳолатлар ҳам учраб туради. Бундай ҳол-

ларга барҳам бериш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари томонидан тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ва уларнинг фаолиятига қонуннинг тарзда аралашган айрим мансабдор шахсларга нисбатан қонуний чоралар кўриш борасида изчил чора-тадбирлар амал-

лаштирилмоқда. Масалан, Фарғона вилояти адлия бошқармаси томонидан ўтказилган текширувда "Агробанк"нинг Фарғона вилояти филиалининг пластик карточкалар бўлими бошлиғи А.Усмонов тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказётгани аниқланди.

Islohot va samara

Тадбиркорлик фаолияти

Миллатлараро тотувлик — энг катта бойлигимиз

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)


Юртбошимизнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма икки йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида биз энг катта бойлигимиз бўлиши жамиятимизда ҳукм сураётган миллатлар ва фуқаролар ўртасидаги дўстлик ва аҳиллик, меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш, яқин ва узоқ кўшнилари билан ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатликни янада кучайтиришни ўзимизнинг энг устувор вазифамиз сифатида кўрамиз, дея таъкидлагани бунинг ёрқин далилидир.

Бу фикрлар мамлакатимизда яшаётган бир юз ўттиздан ортиқ миллат ва элат вакиллари кўнглини тоғдек кўтармоқда.

— Президентимиз Исло Каримовнинг юксак меҳр ва ғамхўрлик билан йўғрилган ушбу фикрлари мени ғоят қувонтирди ва дилимдаги фахр-ифтихор туйғуларини янада жўштирди, — дейди Корейс миллий маданият маркази раиси Виктор Пак. — Дунёнинг баъзи давлатларида бўлаётган айрим ноҳуш воқеалар, фуқаролар ўртасида чиқаётган можаролар ўша мамлакатларда айирмачилик борлиги, тенглик йўқлиги оқибатидир, десак хато бўлмайди. Ўзбекистонимизда барча инсонларнинг тенг ҳуқуқлиги қонунлар асосида кафолатланибгина қолмай, бунинг амалий ифодасини тинч ва фаровон ҳаётимизда кўриб туришимиз.

Айтиш жоизки, мамлакатимизда яшаётган корейс миллатига мансуб аҳолининг билим олиши, ўз она тилини ўрганиши, урф-одат ва анъаналарини ривожлантириши учун барча шарт-шароит яратилган.

Бундай кенг имкониятларни бизга фақат мустақил Ўзбекистон давлати берди. Истиқлолга биз, корейслар ўз она тилимизда сўзлашмиш, уни ўрганиш имкониятидан маҳрум эдик. Шу боис катта авлод вакиллари орасида ўз она тили — корейсчани билмайдиганлар кўп. Давлат ва жамоат ишларида фаол



иштирок этаётган, юксак давлат мукофотларига сазовор бўлаётганлар орасида миллатдошларимизнинг кўпчилиги фахримизга фахр кўшади. Бу Ўзбекистонда барча миллат вакиллари учун тенг имкониятлар яратилгани самарасидир. Шунинг учун биз Ватанимиз Ўзбекистонни жондилимиздан севиб ардоқлаймиш, унинг тинчлиги, тараққиётига ҳисса қўшишни ўзимизнинг фарзандлик бурчимиз, деб биламиш. Шахсан ўзим қаерда бўлмай Ўзбекистонимизни дарров кўрсайман, оби нини, ширин каломини аямайдиган одамларини соғинаман.

Дарҳақиқат, осойишталикда ҳалол меҳнат қилиб ризқ топиш, ўзаро меҳр-оқибатли бўлиб яшаш катта саодатдир.

Мамлакатимиз Конституциясининг 4-моддасида қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади.

Бош Қомусимизда кафолатланган бу тамойил туфайли юртимизда яшаётган дунган миллатига мансуб

аҳоли ҳам тенглар ичра тенг бўлиб, ўз тили, миллий урф-одатларини фаол ривожлантирмоқда. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда яшаётган дунганлар ҳақида олтинга ҳужжатли фильм суратга олинди, юзлаб радиовизиорлар, телекўрсатувлар тайёрланди.

— Фақат Ўзбекистон мустақиллигини қўлга киритгандан сўнггина биз, дунган миллатига мансуб аҳоли ҳам ҳақиқий эркинлик ва озодлик, тенглик ва биродарликнинг ҳавосини ҳис қилдик, — дейди Дунган маданият маркази раиси Мане Савуров. — Ёдимда, Ўзбекистон давлат мустақиллигини қўлга киритган кунларда бу ерда яшаётган турли миллат вакиллари орасида "Энди бизнинг тақдиримиз нима бўлади?" деган хавотирли ўй-фикрлар кечган эди. Бундай хавотирларга давлатимиз раҳбари Исло Каримовнинг "адолатли жамиятда яшамокчи эканмиз, бошқа халқ вакиллари билан манфаатларини ҳам ҳимоя этишимиз, уларга ҳурмат ва эътибор кўрсатишимиз зарур. Ўзбекистонда туғилган, унинг заминиде яшаётган ва меҳнат қилаётган ҳар бир киши, миллий мансублигидан ва эътиқодидан қатъий назар, мамлакатимиз-

нинг тенг ҳуқуқли фуқароси бўлишга муносибдир", деган фикрлари чек қўйди.

Дарҳақиқат, бу фикрлар амалда ўз ифодасини топиб, турли миллатларнинг манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида ҳуқуқий асослар яратилди. Уларнинг маданияти, тили, миллий урф-одатлари ва анъаналари сақланиши ҳамда ривожланиши учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилди.

"Свитанак" номли беларус миллий-маданий марказининг фаолияти ҳам фикримизнинг далилидир. Мазкур марказ бошқа халқларнинг миллий маданий марказлари билан дўстлик алоқаларини йўлга қўйган.

— Марказимиз қошида ташкил этилган фольклор ансамбли ва хор жамоаси Ўзбекистонимизда ўтказилаётган кўплаб маданий тадбирларда фаол иштирок этиши баробарида беларус халқининг миллий куй-қўшиқларини келгуси авлодларга безавол етказишга муносиб улуш қўшмоқда, — дейди Тошкент шаҳар "Свитанак" беларус миллий маданий маркази раиси Лилия Белозерова. — "Ўзбекистон — умумий уйимиз", "Ватан ягонадир, Ватан биттадир", "Қудратимиз бирлик ва ҳамжиҳатликда" фестивалларида соҳибдорлиги ўзининг кўлга киритдик. Шунинг алоҳида таъкидлашни истардимки, бугун ҳар бир Ўзбекистон фуқароси, миллатидан қатъий назар, ижтимоий-иқтисодий ва маданий жараёнларда кенг ва эркин иштирок этаётир. Юрт равнақи йўлида қилаётган хизматлари давлатимиз томонидан эътиборга олинди, доимий рағбатлантириб борилмоқда. Давлатимиз раҳбари Исло Каримовнинг 2013 йил 23 августдаги фармонида асосан "Дўстлик" орденига сазовор бўлдим. Бундай юксак мукофот менга ва барча беларус миллати вакилларига алоҳида ғайрат-шижоат бағишлайди, келгусида шу азиз Ватанимиз — Ўзбекистон мустақиллигини янада мустаҳкамлаш ва унинг тараққиётини юксалтиришга ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшаверамиз.

Одамлар бири-бирига меҳр-оқибатли бўлган жойдагина хайрли ишларга йўл очилади. Жаҳон аҳли эътироф этганидек, бу борада Ўзбекистонга ҳар жиҳатдан ҳавас қилса, арзийди.

Нургул АБДУРАИМОВА,
ЎЗА МУХБИРИ

Garoyib olam

Халқимизнинг "Тил билган эл билади" деган ҳикмати замирида катта маъно-мазмун мужассам. Дарҳақиқат, инсон ўз она тили билан бирга ўзга тилларни ҳам ўрганса, муомала лаёқати халқаро миқёс касб этади. Қуйида дунё халқларининг тиллари ҳақида ҳикоя қиламиз.

Биз билган ва билмаган дунё



ТИЛНИНГ ОЛАМШУМУЛ ЖОЗИБАЛАРИ

Айтиш керакки, бугунги кунда дунёда 6 мингдан зиёд тил ва шева мавжуд. Ҳозирги вақтда шундан атиги 500 тасигина муомалада фаол, яъни жонли тил бўлиб, 1400 тасининг эса, йўқолиб кетиш хавфи бор. Қизиги, ҳар уч тилдан биттаси ёзув шаклига эга эмас. Улар фақат оғзаки нутқ кўринишига эга, холос. Мутахассисларнинг фикрича, ҳар қандай тилнинг халқ орасида жонли тил сифатида сақланиб қолиши учун ундан камида юз минг нафар одам мунтазам равишда фойдаланиши лозим.

Ҳозирги кунда дунёда энг кўп тарқалган тил бу хитой тили бўлиб, айтилган пайтда 907 миллион нафар киши шу тил орқали мулоқотга киришади. Иккинчи ўринда хинди, учинчи ўринда инглиз, тўртинчи ўринда испан тиллари туради.

Бемба, чибемба, лози, ньанже, тонга, балуба, басубиа, банкойа, вамбуэла — бу тиллар Замбия давлатининг турли жойларида истиқомат қилувчи элатлар сўзлашадиган тилларнинг айримларигина холос. Бу мамлакатда шунга ўхшаш 70 та қабилани тил билоркин, бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин.

Африкадаги Самалий аҳолиси эса, ўз она тили — самалий тилидан бошқа тилни деярли билмайди. Шу боис Самалий фақат бир тилда сўзлашувчи ягона мамлакат ҳисобланади.

Тилшуносларнинг айтишича, ғавайлиқларнинг полинезия шеvasи дунёдаги энг осон тил экан. Чунки унда бор-йўғи 6 та ундош, 5 та унли товуш бор. Шунингдек, унда бирорта ҳам талаффуз қилиш қийин бўлган сўз йўқ. Аммо бу тилни ўрганиш унчалик осон эмас, сабаби атиги 11 товуш иштирокида кундалик ҳаётда ифода этиладиган фикрларни айтишнинг ўзи бўлмайди.

Дунёда энг қисқа, яъни лўндагина тил ҳам бор. Масалан, Француз Гвениясининг айрим ҳудудларида тарқалган таки тили бор-йўғи 340 та сўздан иборат. Камбоджаниннг расмий

тили ҳисобланган Кхмер тилининг алифбоси эса, дунёдаги энг катта алифбо бўлиб, у 74 та ҳарфдан иборат.

Дунёдаги энг қийин тил Шимолий Америка хиндиларининг Чиппева қабиласига тегишли бўлиб, у фелларининг кўпчилиги билан ажралиб туради. Фин тили эса, Европа тиллари орасида энг осони бўлиб, ундаги барча ҳарфлар қандай ёзилса, шундай ўқилади, талаффузда ҳам қийинчилик туғдирмайди.

Аниқланишича, дунёдаги энг қадимий ҳарф "О" ҳарфидир, у эраимиздан аввалги 1300 йилда пайдо бўлган ва ўша вақтдан буён унинг шакли ўзгаририлмаган. Айтилган пайтда "О" ҳарфи дунёдаги 65 давлат тил алифбосида мавжуд.

"А" унли товуши дунёда энг кенг тарқалган, у барча тилларда бирдай жаранглайди. Энг кам учрайдиган товуш сифатида чех тилидаги "ржш"ни эътироф этиш мумкин. Алқисса, ўта мушкул бўлган бу товушни ҳатто маҳаллий ўқувчилар ҳам энг охириги навбатда ўзлаштиришга киришади.

Ватикан давлатининг тилшунос олими кардинал Жезеппе Каспар Меццофантини энг донгдор таржимон ҳисобланади, у 114 тилни ва 72 лаҳжани ўз тилига таржима қила олган. 60 тилда бемалол гапирган ва ёзган.

Швейцарияда нашр этиладиган "Ла Суис" газетаси Морзе алифбоси яратилганлигини ўзига хос нишонлаш мақсадида газетаниннг бош мақоласини фақат тиниш белгилар, яъни нукта ва тирелар билан бошқа чикарди. Албатта, бу мақолани қанча одам ўқиб тушунганини айтиш қийин, лекин бу улкан кашфиётнинг аҳамияти жуда катта. Гап шундаки, худди ана шу кашфиёт туфайли 1838 йилда С.Морзе телеграф ёрдамида янги ахборотларни узоқ масофаларга узатиш даврини бошлаб берган эди.

Интернет материаллари асосида Шаҳло ХУДОЙБЕРГАНОВА тайёрлади.

Maslahat

Маъмурий жавобгарликка тортилган шахс унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари нималардан иборат?

Амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 294-моддасида Маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг ҳуқуқ ва бурчлари белгилаб қўйилган.

Яъни Маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс иш материаллари билан танишиб чиқишга, изоҳлар беришга, далиллар келтиришга, ўз илтимосини баён этишга, ишни кўриб чиқиш вақтида адвокатнинг юридик ёрмидан фойдаланишга, ўз она тилида сўзлашга ва таржимоннинг хизматларидан фойдаланишга, иш юзасидан чиқарилган қарор устидан шикоят беришга ҳақлидир.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс иштирокида кўриб чиқилади. Мазкур шахсга ишни кўриб чиқиш жойи ва вақти ҳақида хабар қилинганлиги тўғрисида маълумотлар бўлган ва ундан ишни кўриб чиқишни кечиктириш хусусида ҳеч қандай илтимос тушмаган ҳоллардагина иш унинг иштирокисиз кўриб чиқилиши мумкин.

Башарти содир этган ҳуқуқбузарлиги учун ушбу Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда маъмурий қамоққа олиш, ашёларини мусодара қилиш ёки ҳақини тўлаш шарт билан олиб қўйиш чораларини қўллаш назарда тутилган бўлса, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш вақтида маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг қатнашиши шарт. Мазкур шахс бундай маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишда қатнашишдан бўйин товлаган тақдирда у маъмурий ишлар бўйича судьянинг ажримига биноан, ички ишлар (милиция) органи томонидан мажбуран олиб қилиниши мумкин.

Истиқлол йилларида

мамлакатимизнинг иқтисодий, ижтимоий, маданий-маърифий соҳаларида улкан ижобий ўзгаришлар амалга оширилди, Пировадда халқимизнинг турмуш фаровонлиги юксалиб, шаҳару қишлоқларимиз кўркам қиёфа касб этди.

Бу аввало, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикнинг шарофатидир. Шу боисдан ҳам халқимиз бебаҳо неъмат — тинчлик ва осойишталикни беҳад қадрлайди.

Маълумки, республикаимизда ўқотар қуроллар қатъий назоратга олинган бўлиб, уларни ҳужжатсиз саклашга йўл қўйилмайди. Чунки бундай қуроллар тинчлик-ҳимоятга раҳна солиши баробарида турли жиноятларни содир этишда қўл келиши мумкин. Шу боисдан ҳам амалдаги Жиноят кодексига ҳужжатсиз қурол саклашга ҳуқуқ берилган "Ишк" 577-58 рақамли 16 калибрли, 2 силлиқ стволли ов қуролини ҳеч бир ҳужжатларсиз саклаб келган. У 2013 йилнинг июнь ойи ўрталарида Фориш қишлоқ фуқаролар

Азим Муродқосимов Гараша қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги Хайдарота қишлоғида яшайди. У ўз уйида қонунга хилоф равишда 1958 йилда ишлаб чиқарилган "Ишк" 577-58 рақамли 16 калибрли, 2 силлиқ стволли ов қуролини ҳеч бир ҳужжатларсиз саклаб келган. У 2013 йилнинг июнь ойи ўрталарида Фориш қишлоқ фуқаролар

Jinoyatga jazo muqarrar

Тинчлик ва осойишталик

энг бебаҳо бойлигимиздир

Йиғини ҳудудидаги Учма қишлоғида яшовчи куёви Шерзод Жонобилова ушбу қуролни ҳада сифатида бериб юбориб, яна бир бор қонунбузарликка йўл қўяди. Шерзод Жонобилова бу қуролни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга топширмагани етмагандек, унинг отишга яроқли эканини била туриб, ўз уйи яқинидаги тошлар орасига яшириб қўяди.

Туман ички ишлар бўлими ходимлари томонидан 2013 йил 23 июнь кунини ўтказган тақдирда Шерзод Жонобиловдан ушбу қурол далилий ашё сифатида ҳолислар иштирокида ҳужжатлаштириб олинди.

Жиноят ишлари бўйича Фориш тумани суди ушбу жиноят ишини атрофлича кўриб чиқди ва Азим Муродқосимовга қонуний жазо таъинлади. Унга нисбатан Жиноят кодексининг 72-моддаси қўлланилиб, тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазоси шартлига алмаштирилди ва 3 йил синов муддати белгиланди. Шерзод Жонобилова эса, Жиноят кодексининг тегишли моддасига асосан 1 миллион 591800 сўм жарима жазоси тайинланди.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, Жиноят кодексининг 248-моддаси 4-қисмида фуқаро ўзида мавжуд бўлиб, яшириб юрган қуролларни ўз ихтиёри билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга топширса, жиноий жазодан озод қилиниши белгиланган. Азим Муродқосимов ва Шерзод Жонобиловлар мазкур талабга амал қилиб, қуролни ихтиёрий равишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга топширганида эди, бири жиноий жазога тортилмаган иккинчиси эса, жарима тўлаб, оила даромадига зарар етказмаган бўларди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, тинчлик ва осойишталикни таъминлаш мамлакатимизнинг бош мақсадларидан биридир. Биз, фуқаролар ҳам бу йўлда доимо сергак бўлишимиз лозим ва бу улғу неъматнинг устуворлиги ҳамда дахлсиз сақланишига ўз саъй-ҳаракатларимиз, эзгу амалларимиз, муносиб хулқ-атворишимиз билан ҳисса қўшишимиз керак.

Мухаммад ШЕРТОЙЛОВ,
жиноят ишлари бўйича Фориш тумани судининг раиси

Куч—АДОЛАТДА

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодикул ХАМРОЕВ

Газета 2007 йил
23 февралда Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигида 0224-рақам
билан рўйхатдан ўтган.



ТАХРИР ХАЙЪАТИ:

Бўритош МУСТАФОВ
Шоюнус ГАЗИЕВ
Кўчкор ТОҒАЕВ
Русланбек ДАВЛЕТОВ
Мавжуда РАЖАБОВА
Зарифжон МИРЗАКУЛОВ

Омонбой ОҚЮЛОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Икром МУСЛИМОВ
Ғайрат ХИДОЯТОВ
Арислон УСМАНОВ
Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир:

Сардор
ХАМРОЕВ
Саҳифаловчи:
Шерзод
ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Манзиллими: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1-уй.
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Тел.: (8 371) 239-02-54, 241-01-56

Буортма: Г-1016. Қўзғос бичими: А-2. Ҳажми 2 босма табоқ, Сотувда эркин нархда. Адади: 6687.
1 2 3 4
Топшириш вақти: 21⁰⁰ Топширилди: 21⁰⁰